

## Қиёмат аломатлари

20:50 / 25.04.2016 10650

**САВОЛ:** Ассалому алайкум Шайх ҳазратлари! Менинг саволим шуки, қиёмат кунининг аломатлари ҳақида сурамоқчи эдим. Имкониингиз бўлса шу ҳақда маълумот берсангиз.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

*Ҳузайфа ал-Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимизга чиқиб келдилар. Биз гаплашиб ўтирган эдик. Бас, у зот:**

**«Нимани гаплашмоқдасизлар?» - дедилар.**

**«Қиёматни гаплашмоқдамиз», - дейишди.**

**«Албатта, у ундан олдинги ўнта аломатни кўрмагуниингизча қоим бўлмас», - дедилар ва Тутунни, Дажжолни, Доббани, қуёшнинг мағрибидан чиқишини, Ийсо ибн Марям соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нозил бўлишларини, Яъжуж-Маъжужни, учта ер ютишни: машриқдаги ер ютишни, мағрибдаги ер ютишни ва араб жазирасидаги ер ютишни ва охири Ямандан чиқиб одамларни маҳшарга қувлайдиган ўтти зикр қилдилар».**

*Муслим, Термизий ва Абу Довуд ривоят қилган.*

Бу ҳадиси шарифда қиёматнинг катта аломатларидан бир нечтаси ҳақида сўз бормоқда:

1- Тутун.

2- Қиёматдан олдин бир тутун зоҳир бўлади. У кофирларнинг нафасини олади ва мўминлар учун тумовдек бўлади. Ўша тутун ер юзида қирқ кун туради.

3- Дажжол.

4- Добба.

5- Қуёшнинг мағрибидан чиқиши.

6- Ийсо ибн Марям соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нозил бўлишлари.

7- Яъжуж-Маъжуж.

8- Учта ер ютиши: машриқдаги ер ютиш, мағрибдаги ер ютиш ва араб жазирасидаги ер ютиш.

9- Ямандан чиқиб одамларни маҳшарга қувлайдиган ўт.

10- Бу ўт-олов Адан шаҳри қаъридан чиқиши ҳақида бошқа ривоятларда айтилган.

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Албатта, қиёматнинг аломатларидан: илмнинг кўтарилмоғи, жаҳлнинг зоҳир бўлмоғи, зинонинг тарқалмоғи, хамрнинг ичилмоғи. Аёллар кўпайиб, эркаклар озайиб, элликта аёлга битта бошлиқ бўлмоғи», - дедилар».**

Бунга ўхшаш аломатлар анчагина бўлиб, улардан баъзилари воқеъликда пайдо бўлгандир. Қолганлари аста-секин пайдо бўлиб бораверади.